Она юртинг — олтин бешигинг

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

| Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган | № 51 (65927)<br>1996 йил, 20 июль, шанба | Сотувда эркин нархда |
|---|---|---|

Қизга кувнар: Қарагин ойижон,
Гул олибди, кўркки бир жаҳон.
Гул эланар: Жажжи қизалоқ,
Чиройингдан бергин озроқ.

*Шу сонга хабар*

## РАҲМАТ СИЗГА, АКА ҲУСАН!

Таниқли кулгу устаси, халқимиз севган артист Ҳусан Шарипов бошлиқ бир гуруҳ санъаткорлар яқинда қашқадарёлик ўқувчилар ҳузурига келишди. Уларнинг кенг қамровли дастури болалар дидига мослаб тузилган эди. Учрашувда Қарши шаҳридаги 4-,8-ўрта мактаб ўқувчилари, 39-ҳунар-техника билим юрти талабалари ҳам ўзларининг ҳангомалари билан иштирок этишди. Болалар ижоди артистларга ҳам маъқул бўлди.

— Раҳмат сизга, ака Ҳусан, — дейишди болалар санъаткорнинг ҳазил-мутойибасига жавобан.

**А. САМАРИДДИНОВ.**

*Олимпиадачилар ўз орамизда*

## ЯШАВОР, МИРЖАЛОЛНИНГ ШОГИРДИ!

Жисмоний тарбия ўқитувчимиз Суннат аканинг ажойиб мақтовлари бор-да. Қанақа дейсизми? Футбол ўйинида чаққонлик кўрсатиб, аниқ ҳаракат қилсак, чиройли ўйин кўрсатсак, «Яшавор, Миржалолнинг шогирди!» дея хитоб қиладилар. Бу мақтов бизга шу қадар ёқадики, ана шу гаплар учун тинимсиз машқ қилишга, янги-янги ҳужум ва ҳимоя усулларини ахтаришга ҳаракат қиламиз. Бизнинг интилишларимизни фақат ўқитувчиларимизгина эмас, ҳатто мактабимиз директори Офтоб опа Маматқулова ҳам қўллаб-қувватлаяптилар. Яқинда улар ўз ҳисобларидан спорт залимиз учун бир қанча зарур асбоб-анжомлар олиб бердилар.

Бундан бир неча йил аввал тузилган футбол жамоамиз аъзолари айни таътил кунларида ҳам ўзаро беллашувларни канда қилишмаяпти. Каратэ клубимизда ҳам машғулотлар узлуксиз ўтказилаяпти. Синфдошларимдан Хуршид, Ҳамза, Шерали, Жасур ва бошқалар фаол иштирок этаётган футбол жамоамиз бу йил туман биринчилиги учун ўтказилган беллашувларда ғолиб бўлишди.

Биз Атланта олимпиадасида Ўзбекистонимиз номидан қатнашиш учун кураш олиб борган спортчи ака-опаларимизнинг ўйинларини кузатиб бордик. Улар океан ортига жўнаб кетаётганларида эса катта ютуқлар билан юртимизга қайтишларини тиладик.

Айтгандай, мустақиллигимизнинг 5 йиллик тўйи муносабати билан биз учун 1300 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биноси қурилмоқда. У каттакон спорт залига эга. Ниятимиз, келгусида олимпиада ўйинларида иштирок этиб, Ватанимиз довруғини оламга ёйиш. Бизнинг орамиздан ҳам келгусида албатта кўплаб олимпиадачилар етишиб чиқади.

**Мурод АШУРОВ,**
**Самарқанд вилояти, Ургут туманидаги Улуғбек номли 40-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.**

## «ЧОРВОҚ-96» ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

Бугун Тошкент вилоятининг Чорвоқ дам олиш зонасида «Чорвоқ-96» болалар ижодиёти экологик фестивалининг якунловчи босқичи бошланди.

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган ушбу анжуманда республикамизнинг барча вилоятларидан келган мактаб ўқувчилари ўзларининг қўшиқ, рақс, тасвирий санъат, халқ амалий санъати намуналари билан иштирок этишади.

## ТУРКИЯЛИК МЕҲМОН САХОВАТИ

Пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 23-меҳрибонлик уйига Туркиялик меҳмонлар ташриф буюришди. Унда «Нукус—Ялчинел ЛТД» фирмаси президенти Наим Ялчинел сўзга чиқиб, дунёда энг эзгу иш — болаларга қилинган ғамхўрлик экани ҳақида гапирди. Шунингдек у фирмаси даромадидан ушбу болалар муассасига озиқ-овқат, кийим-кечак ва қурилиш ашёлари топширди. Тарбияланувчилардан иборат ҳаваскорлик гуруҳи ўз маҳоратларини намойиш этишди.

## БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

## ЁШ ФИЗИКЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Ҳар бир фаннинг ўз қизиқувчиси, ихлосманди бўлади. Физика хусусида гапирадиган бўлсак, пойтахтимиздаги 110-мактаб ҳамда Тошкент Давлат университети қошидаги лицей-интернатнинг тўрт ўқувчиси номини эсламай иложимиз йўқ. Зеро улар, яъни Улуғбек Маҳмудов, Павел Миненков, Анвар Муллабеков ва Шуҳрат Саидовлар Грузияда 13 мамлакатдан келган мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган ёш физикларнинг тўққизинчи халқаро турнирида фахрли тўртинчи ўринни эгаллашди.

## «БУЛОҚЧА»НИНГ ИСТЕЪДОДЛИ РАССОМЛАРИ

«Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти маданият саройининг «Булоқча» студияси қатнашчилари — 8 ёшли Василий ва 10 ёшли Владимир Источниковлар тасвирий санъатга қизиқишади.

Куни кеча ана шу маданият саройида бу икки ёш санъаткор ижоди намуналаридан ташкил топган кўргазма очилди. Унда намойиш қилинаётган «Қушлар ўйини», «Тунги қўнғироқ» «Балиқчилар қишлоғи», «Чўлдаги карвон» каби асарлар табиатни, Она Ватанни севиш, ўзгаларга меҳр-муҳаббатли бўлиш руҳига йўғрилган.

## МЕҲМОН, ОЛИНГ ОЛМАДАН

Ёз ўтмоқда соз!

Томошабоғдан мириқиб қайтган Отабекни уйда яна бир хушхабар кутарди. «Олмалар шошириб юборди. Тезда етиб кел. Ёрдамингга муҳтожман», деб ёзилганди унга аталган икки энлик қоғозда.

Отабек ҳам дўсти, ҳам қариндоши Тоҳирнинг дастхатини дарҳол таниди. У уйдагиларни огоҳлантириб, дўсти ҳузурига ошиқди.

Қариндоши Тоҳир Абдуллаев Тошкент туманидаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалигида яшайди.

— Қойил, ўзим бориб айтиб келмасам хабар ҳам олай демайсан, шаҳарда зерикиб кетмайсанми-а? — гинахонлик қилди Тоҳир.

Икки дўст таътил воқеаларидан сўзлай-сўзлай олма теришга киришиб кетишди.

— Меҳмон, олинг олмадан, еб кўринг, жуда ширин, — деб қўярди баъзан Тоҳир дўстига қирмизи мевадан тутиб.

Икки ўртоқ токи боғдаги ҳамма олмаларни йиғиб-териб, шаҳарга жўнатгунларига қадар бир неча кун бирга меҳнат қилишди.

Шу ғанимат кунларнинг ҳар дамини фойдали ўтказишга ҳаракат қилаётган Отабек Саидкаримов пойтахтимиздаги 16-мактабнинг 7-синфида ўқийди. У янги ўқув йилига янги куч-ғайрат билан боришига ишонади.



## ҚИШЛОҒИМИЗ ҲУСНИ ЗИЁДА ЭКАН

Дугоналар атрофни узоқ кезишди. Боғу чорбоғлар, гулзору хиёбонларда қушлар, капалаклар, ниначилар парвозини томоша қилишди, фавворалар атрофида қувлашмачоқ ўйнашди. Кейин бир-бирларига она Ватан кўрки, тупроқ қадри ҳақида катталардан эшитганларини сўзлашди. Шаҳло бўлса ҳозиргина тўқиган афсонасини бошлади:

... Шундай қилиб шаҳзода ўзи суйган деҳқон қизини дунёдаги энг жаннатмакон жойга олиб борибди. Ариқларда сув ўрнига сут оқармиш, меваларнинг ширадорлигидан лаблар бир-бирига ёпишиб қолармиш, жилғалар созандаю, булбуллар хонандамиш, одамларга бўрилар хизматда, тулкилар таъзимда эмиш...

Деҳқон қизи бу манзараларни кўриб ҳайратдан оғзи очилиб қолибди.

— Кўрдингми, менинг юртим қанақа? — дебди йигит қиздан мақтов эшитиш илинжида. Аммо...

— Юртинг таърифига сўз ожиз, — дебди қиз. — Бироқ, гарчи тақир чўл бўлса-да, мен учун ўз туғилган тупроғимдан азизу бебаҳоси йўқ...

— Тўғри-да, — Шаҳлонинг гапини тасдиқлашди дугоналари, — мана биз ўз қишлоғимизни мана ман деган шаҳарга ҳам алмашмаймиз.

Ёзги таътилнинг айни дамларидан Тошкент туманидаги 31-мактаб ўқувчилари ҳам унумли фойдаланишмоқда. Қизлар уй юмушларида, ўғил болалар дала ва фермаларда катталарга кўмак беришса, қолган вақтларда тумандаги кутубхона, музей, тарихий жойларни томоша қилишаяпти. Кўрган-кечирганлари, олган таассуротларини алоҳида дафтарга ёзиб боришаяпти.

**Ғ. ДЕҲҚОНОВ.**

**СУРАТЛАРДА: таътилни мазмунли ўтказаётган болалар.**

*Соз юрак – тоз юрак*

## МУСОБАҚА МАНЗИЛЛАРИ:

**НАВОИЙ**

Яқинда Навоий вилоятида ўқувчиларнинг республика картинг мусобақаси ўтказилди. Унда тўққиз вилоятдан жамоалар иштирок этишди. Беллашув тўрт йўналиш бўйича олиб борилди. Кескин курашларда ўтган бу мусобақа ниҳоясида биринчи ўрин Навоий вилояти картингчиларига, иккинчи ўрин Самарқанд вилояти болаларига, учинчи ўрин қорақалпоғистонликларга насиб этди.

**ОЛМАЛИҚ**

Шаҳарда кемасозликка қизиққан болалар ҳам ўз билимларини кўпчилик кўригидан ва синовидан ўтказиб олишга муваффақ бўлдилар. Кўрик етти йўналишда олиб борилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Наманган, Сурхондарё сингари ўнта вилоятдан келган ўқувчилар куч синашишди. Синов натижаларига кўра самарқандликлар биринчи, бухороликлар иккинчи, Тошкент вилояти ўқувчилари учинчи ўринни олишди.

**ФАРҒОНА**

Авиамодел спортига қизиқувчи болалар беллашиш учун Фарғона вилоятида тўпланишди. Мусобақа саккиз йўналишда ўтказилди. Самарқанд, Бухоро, Андижон сингари саккизта вилоят ва Тошкент шаҳри жамоалари қатнашишди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан жамоаларнинг амалий ва назарий билимлари пухта синаб кўрилди. Натижалар қуйидагича белгиланди:

I ўринни Самарқанд вилояти,

II ўринни Тошкент шаҳри,

III ўринни Фарғона вилояти жамоалари бўлишиб олишди.

Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Л. ТЎХТАЕВА.**

Онажоним ТАБИАТ

Ангрен шаҳрининг Апартак қишлоғига бориб, Мирзомиддин акани суриштиргудек бўлсангиз, биров билиб, биров билмаслиги мумкин. Агар «Будулай амаки», деб йўқласангиз, дарҳол топасиз. Қишлоқнинг катта-ю кичиги Будулай амакини жуда яхши танишади. Чунки бу номни унга ўзлари беришган. Қорамағиз, серсоқол Мирзомиддин акани «Лўли» фильми қаҳрамони Будулайга ўхшатишганди. Нафақат ташқи кўриниши, балки пок, ҳалол виждони, атрофдагиларга меҳрибонлиги, беғубор қалби ҳам худди ўзи экан. Мирзомиддин ака бундан ранжимайди. Аксинча, болакайлар «Будулай амаки» деб чақиришса, завқи келиб кетади. Уларнинг ажойибу ғаройиб саволларига ҳеч эринмай жавоб қайтаради, табиат, ҳайвонот ва қушлар олами ҳақида қизиқ-қизиқ ҳикоялар сўзлаб беради. Боларни атроф-муҳитга эътиборлироқ бўлишга, хайрли ишларга ундайди.

## БУДУЛАЙ АМАКИНИ ТАНИЙСИЗМИ?

### ЖОНИВОРЛАРНИНГ ТИЛИ БЎЛГАНДА

Будулай амакини раҳматларга кўмиб ташлашарди, дейишади болалар. Ахир ким ҳам уларга амакичалик меҳрибонлик, ғамхўрлик қила оларди. Тоғдаги ҳар бир бургут, бойўғли, каклик ларнинг ини, тулки ва бўриларнинг уяси қаерда жойлашгану, уларнинг нечтадан болалари борлигини, доривор гиёҳлар маконини жуда яхши билади. Инида қаровсиз қолган бирор қушнинг тухуми борми, сайёҳлар синдириб кетган дов-дарахтнинг шабалари борми, ҳеч бири Будулай амакининг назаридан четда қолмайди. Тоғ қушлари ташлаб кетган тухумларини йиғиб келади-да, бошқа қушларга бостириб қўяди. «Етим» полапонларни парваришлаб ўстиради, учишга ўргатади. Вақти-соати етиб, уларни озодликка қўйиб юборади. Бу маросим болаларнинг ҳақиқий байрамига айланиб кетади. «Мен учирай, йўқ, мен учира қолай, Будулай амаки», дея талашиб-тортишиб, қушни қўйиб юборишади-да, у кенгликлар бағрига сингиб кетгунча кўз узмай қараб туришади. Шундан сўнггина Будулай амаки енгил тин олади.

Тоғ бағирлаб кетаётган Будулай амакининг кўзи қоялар орасидаги тулкининг уясига тушиб қолди. Уянинг ёнида тулки болалари қалт-қалт титраб туришарди. Уларга яқин боришим билан инларига қочиб кетишади, деб хаёл қилганди. Аксинча, тулкичалар бепарвогина қараб қўйишди-да, беҳол ётаверишди. Уларнинг бундай ғайритабиий ҳолатини кўриб, оналаридан етим қолганликларини англаш қийин эмасди. Будулай амаки тулкичаларни беозоргина кўтариб олди-да, уйига олиб келди. Шу тариқа, қирғий, каклик сингари тоғ қушлари, ёввойи каптарлари, товуслари, ҳатто илонлари ҳам бўлган муъжазгина ҳайвонот боғидан тулки болалари ҳам паноҳ топишди.

Доривор гиёҳлар тўплашда ҳам Будулай амакининг олдига тушадигани йўқ. Кийик ўти, бўзбош, тоғ ялпизи, қичитқи ўт каби инсон саломатлиги учун фойдали гиёҳлар қаерларда ўсиши-ю шифобахшлик хусусиятларигача беш қўлдек яхши билади. Тоғлардан териб тушиб, саралайди, қуритади, махсус қоғоз қутиларга жойлаб қўяди. Бирор кишининг тоби қочиб қолгудек бўлса, Будулай амакини йўқлаб қолишлари ҳам шундан.

### ЯНА ТОҚҚАМИ?

Эрта тонгда сафар халтасини орқасига илганча тоғ сари отланаётган Мирзомиддин акани маҳалла болалари «Будулай амаки, яна тоққами?» дея кузатиб қолишади. «Ҳа, тоққа болаларим. Ўз кўзим билан кўриб келай-чи, ҳамма ишлар жойидамикин», дейди ҳазил аралаш амаки. Шу кетганча икки-уч кунлаб тоғу тошларда, ўрмонларда бўлади.

Кенжа ўғли Асроржон ҳақиқий «ота ўғил» чиқди-да. Жонивору паррандаларга меҳрибонликда отасидан қолишмайди. Дадаси тоғдан қайтгунча ҳайвонот боғидаги жониворларга парвона бўлади, дондунидан, сувидан хабардор бўлиб туради. Меҳр билан эркалаб, улар билан «тиллашади» гўё. Сафардан бир олам таассуротлар, парранда-ю жониворлар олиб қайтадиган дададжонисини интиқ кутади. Мирзомиддин ака ўғлига бошидан кечирган қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлайди. Уларни жон-дили билан тинглаётган Асроржонга мамнуният билан боқиб, ўзи бошлаган хайрли ишларнинг давомчиси борлигига шукроналар айтади.

**Феруза ЖАЛИЛОВА.**

**СУРАТДА: Мана бу каклик боласини Будулай амаки қаровсиз инидан топиб келганди. Ҳадемай уни ҳам кенгликларга қўйиб юборишади.**

Суратлар Р. АЛЬБЕКОВники.

**Абдували Қутбиддин— 1960 йили Самарқандда туғилган. Мучали-сичқон. Бу мучалда туғилганлар ажойиб ва виждонли кишилар бўлиб, ўзлари ва бировлар тақдирларини башорат қиладилар. Улар омадли кишилар, зеҳнлари ўткир бўлади, кўпинча қўлларидан келмайдиган юмушларга уринадилар, содиқ дўст бўладилар.**

**Абдували мактабни тугатгач, Тошкент давлат дорилфунунининг журналистика куллиётида ўқиди. Уни битириб Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида иш бошлади. Айни пайтда «Ёзувчи» нашриётида бош муҳаррир бўлиб ишлаяпти.**

**Абдували Қутбиддиннинг «Бахтли йил», «Найсон», «Хумо», «Хаёл кечаси» номли шеърий тўпламлари аллақачон ўз мухлисларини топган.**

**Абдували руҳнинг одами. У шеърни шунчаки ёзмайди. Унинг шеърларидан руҳнинг овози эшитилгандек туюлади кишига.**

**Шеърларидаги ишққа садоқат, инсоннинг ўз-ўзига талпиниши, юрак қийноқлари, ҳаёт билан тўқнашувлар рамзий образларда, аниқроғи, руҳий образларда берилади.**

**Каклик сувдонида эрир мусаллас,**
**Лойқа ариқларда кўпчийди асал...**

**деб ёзади шоир «Хаёл» номли шеърида. Унинг хаёли шу қадар гўзал. Бир умр шу хаёлда яшагинг келади.**

# «УЙИМИЗГА ҒАФУР ҒУЛОМ КЕЛДИЛАР»

Болалигим Қаршида, Самарқандда, Ургутда ўтган. Аямнинг айтишларича, жуда ўйинқароқ бўлган эканман. Оилада тўнғич фарзанд бўлганимданми, аямнинг ҳам, дадамнинг ҳам барча яхшиликларини, меҳр-муҳаббатларини укаларимга нисбатан кўпроқ мен кўрганман. Хонадонимизга Лутфулла ака деган одам тез-тез келиб турарди. У киши тақдир тақозоси билан Қаршига келиб қолган ва шу ердаги устахоналарнинг бирида ишлар эди. Мен у кишидан алифбени, олти ёшимда чала-чулпа ўқишни, мингтача санашни ўрганганман. Ўша йиллар, яъни 1965—1966 йиллардаги хотирамда михланиб қолган ёдномалардан бири — Лутфулла акам билан ҳаётимда биринчи марта кинотеатрга борганим, кино кўрганим. Ўша куни қайтиб келиб, ўйга кираман деб, акамни алдаб кетгандим. Йўлда симёғоч учун қазилган ўрага йиқилиб тушганман. Ўша ерда 3-4 соат қолиб кетганман. Шунда амаким Муслиқиддин аканинг овозларини эшитиб қолганман. У кишининг акалари менинг катта амаким Баҳоуддин ака (худо у кишининг жойларини жаннатда қилган бўлсин) укаларини жудаям яхши кўрар, эркалаб «Муслиқиддин домулло» деб алқар эдилар. Шу алқашлари қулоғимга кириб қолган бўлса керак, менам у кишини шундай деб чақирардим. Амаким мени ўрадан олиб чиққанлар ва анча-мунча хафаям бўлганлар.

Бизнинг хонадонимиз, айниқса, бобом Қутбиддинхон Эшони шайх туфайли маърифатпарвар одамлар ташриф буюрадиган хонадон эди. Анисий домла, Фузайл махсум ва кўпгина кишиларни ақлимни эндигина таниётган чоғларим кўриш шарафига муяссар бўлганман. Шу йилларга оид яна бир хотирот ҳазрат Ғафур Ғулом номи билан боғлиқ. У киши бобомнинг қадрдон дўстлари, ҳаммаслак, ҳамфикр ошнолари эдилар. Ёз кунларидан бирида хонадонимизга кутилмаганда келиб қолдилар, амаким Баҳоуддин ака билан бир пасда ош дамлаб, дилбар суҳбатни бошлаб юбордилар.

Мен, адабиётнинг «а»ҳарфини билмайдиган болакай, ҳазрат Ғафур Ғуломнинг кулишларидан, ҳикоёт қилиш услубларидан оғзим очилиб, анграйиб қолганман. Қизиқишдан бўлса керак, у кишининг гапларига маҳлиё бўлиб, ёнларига тиқилиб олганман. Шунда у киши мени кўтариб олиб, «Ҳа саними шум бола, хотин олиб бераман сенга, ўшанда кўраман», деб ҳазиллашганлар. Мен эса қўрқиб кетиб, йиғи кўтарганман.

— Ҳали ўйланмасдан туриб шунча қўрқасанми? — дея бағриларига босиб овутганлар. Орадан кўп ўтмай, ҳазрат Ғафур Ғулом ҳаётдан кўз юмдилар, яна кейинроқ энг севикли амаким, болалигимнинг меҳрибони Баҳоуддин акам оламдан ўтдилар.

Амакимнинг дафн маросимларида ҳаётимда илк бор мусибат билан тўқнашганман, ўшанда илк бор чинакамига йиғлаганман.

Болалигим бобом Қутбиддинхон Эшони шайх муҳаббатлари соясида ўтган. У киши сал йўталсам дамсув, шамолласам, тумор ёзиб берардилар. Саховат, эзгулик, кўнгилпарастлик, одамийлик даражалари олиймақом эди. Ҳали-ҳануз пешонамдан ўпишларини қўмсаб, соғиниб яшайман. У киши ҳаётдан кўз юмгач, анча вақтгача менга дунёнинг қизиғи, маъниси тугагандай довдираб қолдим. Шукрки, кўп улуғ одамларнинг дуоси руҳимга нажот бўлиб келмоқдаки, яна яшамоқдаман. 1967 йили ота юртимиз Самарқандга қайтиб келган эдик. Мактабда тузук ўқидим. 5-синфда эдимми, 8 март байрами арафасида кимгадир сурат чизиш, кимгадир мақола ёзиш, менга эса шеър ёзиш топширилди. Ўша куни бошим ғувуллаб ўйга қайтдим. Отамга топшириқни айтган эдим, дўкондан Уйғун домланинг китобларини олиб келиб бердилар. Кечаси билан шеър ҳижжаладим. Амал-тақал қилиб, эрталабга яқин:

**Саккизинчи март бугун**
**Хотин-қизлар байрами,**
**Календарнинг қизили —**

хуллас калом мана шунақа тарздаги бир балони ёзиб, ўқитувчимга олиб бориб берганман. Ёзган нарсам деворий газетада берилган. Шу-шу шеър дардига мубтало бўлдим-қолдим. Нимагадир мен зўр шоир бўламан, деб ўйлаб қолдим. Фузулийни, Машрабни, Ғафур Ғулому, Эркин Воҳидовларни шарт-шурт, тушуниб-тушунмай ўқий бошладим. Ўнлаб «обший дафтар»ларни шеър билан тўлдириб ташладим.

Еттинчи синфлардами, битта катта дафтарни шеърга бўктириб, амаким Муслиқиддин ака Муҳиддиновга олиб бориб бердим. У киши фан номзоди, тасаввуф адабиётини чуқур билган ажойиб қалбли одам эринмасдан икки бетлик тақриз ёздилар. Ушанда қувонганимни сўз билан таърифлаб бўлмайди.

— Энди албатта шоирлик қиламан, —дедим. Мана кўриб турибсиз, яхшими ёмонми, шеърлар ёзиб юрибман. Илло шеърга ошно бўлганлигимдан надомат чекканим йўқ. У менга олам-олам завқу шавқ, сеҳру шафоатлар бердики, бундай саодатдан бахтиёрман.

Болалигимда хўп қизиқ, ажабтовур воқеалар кўп бўлган, хусусан шоирлик бу ишқ деганлари бўлса керак деб, ҳадеб катта шоирларнинг шеърларини ўқийверганим учунми, мактабимизда ўқийдиган бир қизга «сени севаман» деб хат ёзиб юборганим ва бунинг учун ўқитувчилар мажлисида роса қизарганим эсимда.

У бечора муниса қиз ҳозир яхши оиланинг келини бўлган. Ўшанда мендан ранжимаган бўлсин, деб тазарру қилиб юраман ҳанузгача. Болалик ҳақида ёзиш оғир. Уни тушуниш, англаб етиш ундан ҳам мушкул.

Болалик ўзича, ўз оқимида оққани маъқул. Ёш укаларимга истагим шуки, маза қилиб ўқисинлар, маза қилиб ўйнасинлар. Яхши дўстлари кўп бўлсин. Ҳеч қачон ораларидан қора мушук ўтмасин, бир-бирларини кечириб, ардоқлаб, ҳурмат қилиб юрсинлар...

Ишонаманки, эртага улар жуда катта ишлар қиладилар. Ватанга, миллатга фойдалари тегади. Уларга улуғ кунлар ярашади!



## Тенгдошларинг ижоди

**Дилдора — зиёли оила фарзанди. Уларнинг хонадонида доим билим қудрати, китобнинг аҳамияти ҳақида гап боради. Отаси инсон саломатлигини сақлаш тўғрисида сўзласа, онаси таълим-тарбия хусусида фикр юритади. Мана шу уни кўпроқ ўйлашга, хаёлига келган манзараларни қоғозга туширишга чорларди. Натижада, беш-олти йилдирки, у шеъриятта ихлос қўйган, бўш қолди дегунча қўлига қалам олади...**

**Бу йил Тошкентдаги 196-мактабни битириб, олий ўқув юртига ўқишга кириш умидида юрган Дилдора Шокировага омад тилаб, ижоди намуналарини эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.**

### ШАФҚАТ УЙИ

Болалар уйида
Орзуси синиқ,
Гўдаклар кўчага
Кўзин тутади.
Оналар йўлига
Тикилиб интиқ,
Ҳар куни кимнидир
Зор-зор кутади.
Шафқат масканида
Ҳамма нарса бор.
Аммо мурғак қалбга
Етишмас меҳр.
Она кучоғини
Қумсайди хумор,
Ҳорғин хаёлида
Шудир бир умр.
Гар эшикдан кўринса
Тўсатдан биров,
Соғинч нигоҳларга
Тўлар остона.
Отаси душманми,
Ё онаси ёв?
Кошки уни йўқлаб
Келсайди она...
Гуноҳин билмас у
Орзу малҳамдир,
Оламни тутса ҳам
Оҳу-ноласи.
Сабру қаноатда
Ғоят маҳкамдир,
Болалар уйининг
Ғамгин боласи.

### СОАТ СЎЗИ

Мен вақтни кўрсатаман,
Тартибга ўргатаман.
Ҳар кун сени эркалаб,
Уйғотаман эрталаб.
Режа бериб ишингга,
Мазмундор
турмушингга,
Бошлайман тўғри йўлга,
Китоб тутқазиб қўлга.
Умринг ўтмасин бекор
Деган гапда ҳикмат бор:
Эсдан чиқарма ҳеч
вақт —
Вақт — бу чиндан ҳам
бахт.

**Дилдора ШОКИРОВА,**
**Тошкентдаги**
**196-мактаб битирувчиси.**

### КЎК ҚАРҒАНИНГ АРЗИ

Оддий қушмас, кўкқарғаман
Бошим чиқмас лек
мотамдан.
Дўстларимнинг азаси деб,
Либос кийдим кўк матодан.

Кўкйўталга даво бу деб,
Бизни кўплаб отдилар ҳам.
Бизни тўплаб ноқобиллар
Бозорларда сотдилар ҳам.

Авайламоқ энди сиздан,
Ахир камчил қолгандирмиз.
Чигирткалар додин бериш,
Кафилини олгандирмиз.

### ТУЛКИНИНГ ҲИЙЛАСИ

Ўлжани кўргач Този
Чопди ўша томонга,
Айёр тулки қочарди,
Жон қолсин деб омонга.

Дарахтга етмай Тулки
Бирдан ўнгга бурилди.
Узин эплолмай Този
Қуш дарахтга урилди.

### ЁЗГИ ТАЪТИЛДА

Ҳар йил ёзги таътилда,
Мен бўламан Оқтовда.
Дадамларнинг отари,
Яйраб юрар яйловда.

Кўрган кўзни қувнатар
Бўрдоқи қўй-қўзилар.
Улар босиб ўтган йўл,
Помиргача чўзилар.
Бизнинг Оқтов довруғи
Тарқалгандир қадимдан,
Суғур, архар, какликлар
Учраб турар қадамда.
Булар бари ўлкамнинг
«Қизил китоби»да бор.
Дилда улғаяр чўпон.
Бўлганман, деган виқор.

**Азамат СУЮНОВ.**

## ЭРТАК КЕТИДАН ЭРТАК

### ОЛТИН ОЛМА

Ўтган замонда икки қўшни яшаган экан. Бири бою, лекин бефарзанд, иккинчиси эса бола-чақаси кўпу, бироқ ниҳоятда камбағал экан.

Бола-чақаси кўп камбағал қўшнининг уйи кечаю кундуз шовқин-сурон, тўпалон, бақир-буқур бўлиб, бой қўшнисиникига ҳеч тинчлик бермас экан.

Бир кун бой қўшни камбағалникига чиқиб:

— Тинчлик берасизларми, йўқми, сейишга овқатларинг йўқ, ҳаммаёқдан қарз бўлиб ётибсанлар-ку, кечаси-ю кундузи уйларингда кулгу, шовқин-сурон, бу нима деган гап? — деб дўқ урибди. Шунда камбағал жавоб қайтарибди:

— Эй қўшни, бизнинг олтин олмаларимиз бор. Шуларни думалатиб ўйнаб, димоғни чоғ қиламиз. Шунинг учун бизнинг уйимиздан кулгу аримайди, — дебди.

Бу сўзни эшитган бой индамай ўз уйига кириб хотинига:

— Хотин, сандиқни оч, олтинларни ол, мен уларни заргарга олиб бориб, иккита олтин олма ясатиб келай, сўнгра биз ҳам шод-хуррам яшаймиз, — дебди.

Хотини сандиқдан олтинларни олиб эрига берибди. Бой уларни заргарга олиб бориб иккита олтин олма ясатибди. Олмаларни олиб келиб эру-хотин роса думалатишибди. Бироқ ҳар иккисида ҳеч қандай кулгу пайдо бўлмабди.

Улар олтин олмани думалатиб-думалатиб чарчаб, энди қандай қилсак биз ҳам кулиб, хурсанд бўлар эканмиз, деб ўйлашибди. Ниҳоят бой яна қўшнисиникига чиқиб сўрабди:

—Қўшни, биз ҳам олтин олмани эру-хотин думалатиб-думалатиб ҳеч қандай хурсандчиликка эга бўлолмадик. Бунинг сири нимада, айтиб берингизчи? — дебди. Қўшниси:

— Эй бой бобо, бизнинг олтин олмаларимиз, кулгимиз, бахтимиз мана шу болаларимиз. Биз ҳар куни шулар билан қувонамиз, куламиз, яйраймиз. Натижада қийинчиликларимиз ҳам, қарзларимиз ҳам унутилиб кетади. Булар бизнинг бозоримиз, — дебди. Бой ўзини бефарзандлигидан афсусланиб, пешонасига бир уриб, уйига кириб кетган экан.

**Илҳом булоғи бамисли шарқираган сой, ён дафтарчаси масалларга бой бўлган севимли ёзувчимиз Мухтор ака Худойқуловни танимайдиганлар топилмаса керак. Мухтор аканинг ёзган насрий масаллари нафақат катталарни, балки сиз-болаларни ҳам бефарқ қолдирмаслиги тайин.**

**Масал ўзи нима? Масал — бу турли ҳайвонлар, жонзотлар, жисмлар рамзи орқали ҳаётимизда учрайдиган ялқовлик, нодонлик, жоҳиллик, қўрқоқлик, ёлғончилик, пасткашлик, манманлик, ўзбилармонлик каби иллатларнинг қисқа ва лўнда ҳикоячалар тарзида қораланиши. Демак. Мухтор аканинг ёзган масалларида ҳам айнан ана шу иллатлар қораланади, меҳнатсеварлик, олижаноблик, мардлик, софдиллик, саховатлик каби фазилатлар улуғланади. Улардан ҳар биримиз учун ўгит, насиҳат бўларли хулосалар чиқарилади.**

**Ёзувчи Мухтор Худойқуловнинг «Фил ва чумоли» номли тўпламида айнан ана шундай масаллар жамланган. Ана шу тўпламдаги митти масаллардан эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

## МИТТИ МАСАЛЛАР

### ДАФТАР БИЛАН КИТОБ

Китоб дафтар билан тортишиб қолибди:

— Дунёдаги энг қизиқ нарсалар менга ёзилган, — дебди Китоб.

— Мен бўлмасам, сен ҳам бўлмасдинг, — жавоб қилибди унга Дафтар.

### ЎЧИРҒИЧ НИМА ДЕЙДИ?

— Учиришга ўчираман-у, лекин аслидай қила олмайман. Барибир изи қолади. Яхшиси, хатога йўл қўйманглар, — дея насиҳат қилди Учирғич.

### ТИЛ БИЛАН ҚУЛОҚ

— Нега мен биттаман-у, сизлар иккитасизлар? — деб қолди Тил Қулоқларга.

— Камроқ гапириб, кўпроқ тинглаш учунда, — деб жавоб қилишди Қулоқлар.

### ҚЎЛЛАР

— Мунча ношудсан? — деб сўрабди Унг қўл Чап қўлдан.

— Ўзингга қараб гапир, мен юракка яқин тураман-а... — деди Чап қўл бўш келмай.

### БИР БИЛАН ИККИ

— Мен сендан икки баравар каттаман, — деб қолди Икки Бирга.

— Мендақадан иккита бўлсак, кейин сен бўласан, — деб кулди Бир.

### СИЁҲ

— Рангинг нега заъфарон? — деб сўради Сиёҳдан.

— Неча аср, неча замонлардан бери олиму фузало, адибу шуаролар хизматидаман, балки шундандир, — деб жавоб қилди Сиёҳ. У ҳамон хизматда эди.

### ШЕР БИЛАН ТУЛКИ

— Олампаноҳ, — деди Тулки Шерга. — Мен сизни бир жойга олиб бораман, роса товуққа тўямиз...

— Тулки бошлаган йўлдан фақат Тулки юради, Шер юрмайди, —деди Шер.

### ИТПАШША

— Жоним жуда қаттиқ-да, —деб қолди Итпашша

— Итнинг тиши-чи?.. — сўрашди ундан.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0377.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефон: 33-44-25



«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5 6